

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ АГРАР УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМий ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.30.08.2018.Qx.13.02
РАҚАМЛИ ИЛМий КЕНГАШ**

**ЧОРВАЧИЛИК ВА ПАРРАНДАЧИЛИК ИЛМий-ТАДҚИҚОТ
ИНСТИТУТИ**

ИБАДУЛЛАЕВА АМИНА САҒЫНБАЕВНА

**ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН ШАРОИТИДА ЧЕТДАН КЕЛТИРИЛГАН
ГОЛШТИН ЗОТЛИ СИГИРЛАРНИНГ МАҲСУЛДОРЛИК,
ПУШТДОРЛИК ХУСУСИЯТЛАРИ ВА УЛАРНИ
ЯХШИЛАШ УСУЛЛАРИ**

**06.02.03 – Хусусий зоотехния. Чорвачилик маҳсулотларини ишлаб
чиқариш технологияси**

**ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2018

**Қишлоқ хўжалиги фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)
диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)
посельскохозяйственным наукам**

**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)
on agricultural sciences**

Ибадуллаева Амина Сағынбаевна

Қорақалпоғистон шароитида четдан келтирилган голштин зотли сизирларнинг маҳсулдорлик, пуштдорлик хусусиятлари ва уларни яхшилаш усуллари3

Ибадуллаева Амина Сағынбаевна

Продуктивные, воспроизводительные качества импортных коров голштинской породы и методы их улучшения в условиях Каракалпакстана21

Ibadullayeva Amina Saginbayevna

Productive, reproductive qualities of imported Holstein cows and methods of their improvement in the condition of Karakalpakstan.....37

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works40

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ АГРАР УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМий ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.30.08.2018.Qx.13.02
РАҚАМЛИ ИЛМий КЕНГАШ**

**ЧОРВАЧИЛИК ВА ПАРРАНДАЧИЛИК ИЛМий-ТАДҚИҚОТ
ИНСТИТУТИ**

ИБАДУЛЛАЕВА АМИНА САҒЫНБАЕВНА

**ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН ШАРОИТИДА ЧЕТДАН КЕЛТИРИЛГАН
ГОЛШТИН ЗОТЛИ СИГИРЛАРНИНГ МАҲСУЛДОРЛИК,
ПУШТДОРЛИК ХУСУСИЯТЛАРИ ВА УЛАРНИ
ЯХШИЛАШ УСУЛЛАРИ**

**06.02.03 – Хусусий зоотехния. Чорвачилик маҳсулотларини ишлаб
чиқариш технологияси**

**ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2018

Қишлоқ хўжалиги фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2018.2.PhD/Qx316 рақам билан рўйхатга олинган.

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси Чорвачилик ва паррандачилик илмий-тадқиқот институтида бажарилган.

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (www.agrar.uz) ва «Ziynet» Ахборот таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:	Аширов Муродилла Эшонкулович, қишлоқ хўжалиги фанлари доктори, профессор
Расмий оппонентлар:	Шакиров Қахрамон Жўрабоевич, қишлоқ хўжалиги фанлари доктори Жумадуллаев Бурхон Хамидович, қишлоқ хўжалиги фанлари номзоди
Етакчи ташкилот:	Ипакчилик илмий-тадқиқот институти

Диссертация ҳимояси Тошкент давлат аграр университети ҳузуридаги фан доктори (DSc) ва фалсафа доктори (PhD) илмий даражалар берувчи DSc.30.08.2018.Qx.13.02 – рақамли Илмий кенгашнинг 2018 «__» _____ соат даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100140, Тошкент, Университет кўчаси, 2-уй. Тел.: (99871) 260-48-00; факс: (99871) 260-38-60; e-mail: tuag-info@edu.uz Тошкент давлат аграр университети Маъмурий биноси, 2-қават, анжуманлар зали.)

Диссертация билан Тошкент давлат аграр университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (_____ рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100140, Тошкент, Университет кўчаси, 2-уй. ТошДАУ АРМ биноси, 1-қават. Тел.: (99871) 260-50-43.

Диссертация автореферати 2018 йил «__» _____ куни тарқатилди.
(2018 йил «__» _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси)

Ш.Р.Умаров

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси,
к.-х.ф.д., катта илмий ходим

У.Т.Данияров

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий
котиби, к.-х.ф.н., доцент

Н.Р.Рўзибоев

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги
илмий семинар раиси в.в.б., к.-х.ф.д

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Бугунги кунда дунёнинг барча мамлакатларида аҳолини озиқ-овқат, тўйимли ва сифатли чорвачилик маҳсулотлари билан таъминлаш муҳим вазифалардан бири бўлиб қолмоқда. Бунга бевосита чорвачилик тармоғини янада ривожлантириш ва моллар маҳсулдорлигини ошириш орқали эришиш мумкин. «...чорвачилик соҳаси ривожланган АҚШ, Канада, Германия, Голландия, Япония, Исроил ва Европа Иттифоқи давлатларида қорамолчиликда янги инновацион технологияларни қўллаш натижасида йилига ҳар бир бош сигирдан ўртача 10-12 минг килограммдан ортиқ сут соғиб олишга эришилмоқда»¹.

Дунё мамлакатларида сутдор қорамолчиликни ривожлантиришга молларни сифатли озуқалар билан тўла қийматли озиқлантириш ва соҳада молларнинг маҳсулдорлик хусусиятларини яхшилашнинг илмий асосланган усуллари кўллаш орқали эришилмоқда. Селекция-наслчилик ишларини яхшилаш орқали, авлодларининг насл сифати бўйича баҳоланган яхшиловчи насл тоифасига эга наслдор буқалардан, урчитишда жаҳон генофондига хос машҳур зотларнинг қорамолларидан фойдаланиб юқори маҳсулдор сутбоп подалар яратилмоқда ва зотларни такомиллаштиришга катта эътибор қаратилмоқда.

Республикамизда сутдор қорамолчилик етакчи тармоқ бўлиб, ишлаб чиқарилаётган гўшт ва сутнинг асосий қисми унинг улушига тўғри келади. Сутдор қорамолчиликда урчитиш учун режалаштирилган қорамолларнинг маҳсулдорлик, пуштдорлик ва бошқа хусусиятларини янада такомиллаштириш ва жаҳон генофондига хос зотларнинг генофондидан фойдаланиш муҳим бўлиб ҳисобланади. Ўзбекистон Республикасини 2017-2021 йилларда ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида «...чорвачиликни илмий асосда ривожлантириш, қишлоқ хўжалиги ҳайвонларининг маҳсулдорлигини янада ошириш, қорамолларнинг маҳсулдорлик, пуштдорлик ва бошқа хусусиятларини янада такомиллаштириш, юқори даражада озиқлантиришни ташкил этиш, уларнинг сермаҳсул подаларини яратиш»² вазифалари белгилаб берилган. Шундан келиб чиқиб, охириги йилларда четдан келтирилаётган етакчи зотларнинг ғунажинларининг маҳсулдорлик хусусиятларини ўрганиш, уларни ошириш усуллари янада такомиллаштириш ҳамда маҳаллий иқлимга мослаштириш долзарб вазифалардан бири бўлиб ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 23 мартдаги ПҚ-308-сон «Шахсий ёрдамчи, деҳқон ва фермер хўжаликларида чорва молларини кўпайтиришни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, 2008 йил 21 апрелдаги ПҚ-842-сон «Шахсий ёрдамчи, деҳқон ва фермер хўжаликларида чорва молларини кўпайтиришни рағбатлантиришни

¹<http://www.fao.org/docrep/018/i3300e/i3300e.pdf>.

²Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида” ги ПФ-4947-сонли Фармони

кучайтириш ҳамда чорвачилик маҳсулотларини ишлаб чиқаришни кенгайтириш борасидаги кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ва 2015 йил 29 декабрдаги ПҚ-2460-сон «2016-2020 йилларда қишлоқ хўжалигини янада ислоҳ қилиш ва ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги. Мазкур диссертация иши республика фан ва технологиялари ривожланишининг V. «Қишлоқ хўжалиги, биотехнология, экология ва атроф-муҳит муҳофазаси» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Голштин зотли сигирларнинг сут маҳсулдорлигини ошириш, пуштдорлик, елин ва бошқа хусусиятларини яхшилаш, зотни такомиллаштириш, юқори маҳсулдор подаларни яратиш бўйича республикада ва хориж давлатларида бирқатор илмий-тадқиқот ишлари олиб борилган ва унинг натижалари ишлаб чиқаришга тавсия этилган. Республикада ва хориж олимлари Ш.А.Акмалхонов, М.Э.Аширов, У.Н.Носиров, И.Мақсудов, Б.У.Хидиров, У.Ш.Балласов, Б.М.Аширов, Л.К.Эрнст, А.И.Бич, Н.И.Стрекозов, Ж.Г.Логинов, П.Н.Прохоренко, Л.С.Жебровский, А.В.Егиазарян ва бошқа олимларнинг илмий-тадқиқотларида голштин зотини такомиллаштириш, чатиштиришда бу зотнинг имкониятларидан фойдаланиш самарадорлиги аниқланган. Ушбу олимларнинг тадқиқотлари натижаларининг кўрсатишича, голштин зотли қорамоллар урчитиш ҳудудларидан қатъий назар, яхшиловчи зот ҳисобланади. Бу маълумотлар голштин зотли қорамолларни соф зотли урчитишда ва чатиштиришда фойдаланиш сермаҳсул репродуктор хўжаликлари яратишда, маҳаллий зотларнинг маҳсулдорлик хусусиятларини такомиллаштиришда, уларнинг янги типларини, подаларини яратишда муҳим амалий аҳамиятга эга эканлигидан далолат беради.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилаётган илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Чорвачилик ва паррандачилик илмий-тадқиқот институти илмий тадқиқотлари режасининг ҚХА-10-142 «Турли урчитиш усулларида сут ва сут-гўшт йўналишидаги қорамолларнинг асосий селекция белгиларини такомиллаштириш ва юқори насл қийматли селекция подаларини яратиш» (2009-2011 йй.) амалий лойиҳаси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади Қорақалпоғистон Республикаси шароитида Польшадан келтирилган голштин зотли сигирларнинг асосий хўжалик фойдали белгилари ва маҳсулдорлик хусусиятларига озиклантириш омили ва серсут қилишнинг таъсирини аниқлашдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

озиклантириш даражасининг Польшадан келтирилган голштин зотли сигирларнинг сут маҳсулдорлигига ва сутининг сифат кўрсаткичларига таъсири даражасини ўрганиш;

I лактациянинг дастлабки 90 кунда серсут қилишнинг сут маҳсулдорлигига таъсир даражасини аниқлаш;

сигирларнинг экстеръери, елин, пуштдорлик, озукани сут билан қоплаш кўрсаткичларини ўрганиш;

голштин зотли сигирларнинг айрим биологик хусусиятларини баҳолаш;

сигирларнинг турли лактацияларда сут маҳсулдорлигининг биринчи туғишидаги ёшига, сутдан чиққандан туғишигача бўлган даврига, тирик вазни, сервис-даври давомийлигига боғлиқлигини аниқлаш.

Тадқиқотнинг объекти бўлиб Польшадан келтирилган соф голштин зотли турли лактациялардаги сигирлар ҳисобланади.

Тадқиқотнинг предмети бўлиб соф голштин зотли турли лактациялардаги сигирларнинг сут миқдори, сутининг сифат кўрсаткичлари, экстеръер ўлчамлари, елин, пуштдорлик, тирик вазн кўрсаткичлари ҳисобланади.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқотларни бажариш жараёнида зоотехникавий (сут маҳсулдорлиги, сутнинг сифат кўрсаткичлари, экстеръер, елин, пуштдорлик, озукани сут билан қоплаш кўрсаткичлари), биологик (клиник, гематологик кўрсаткичлар, иссиққа чидамлилиқ индекси) ва статистик (ўртача арифметик кўрсаткич ва хато, ўзгарувчанлик коэффициент, гуруҳлараро фарқлар ишончилиги) усуллар қўлланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

илк бор Қорақалпоғистон Республикасининг иқлим шароитида Польшадан келтирилган сигирларнинг дастлабки уч лактациясидаги сут маҳсулдорлигига I лактациясининг дастлабки 90 кунда серсут қилишнинг таъсири аниқланган;

сигирлар лактациясининг кечиш хусусиятлари, экстеръер, елин, озукани сут билан қоплаш кўрсаткичларининг серсут қилиш даражасига боғлиқлиги аниқланган;

четдан келтирилган сигирларнинг айрим биологик хусусиятлари Қорақалпоғистон Республикасининг ўзига хос иқлим шароитида баҳоланган;

голштин зотли сигирларнинг сут маҳсулдорлиги бирнеча лактацияларда турли омилларга боғлиқ ҳолда такомиллаштирилган.

Тадқиқотнинг амалий натижаси қуйидагилардан иборат:

Қорақалпоғистон Республикаси шароитида Польшадан келтирилган голштин зотли сигирларнинг бирнеча лактацияларда сут маҳсулдорлиги бўйича ирсий салоҳияти I лактациясининг дастлабки 90 кунда серсут қилиш усулида юзага чиқиши аниқланган;

голштин зотли сигирларнинг сут маҳсулдорлик хусусиятларини турли омилларга боғлиқликда такомиллаштириш ва сермахсул сутбоп подалар яратиш усули ишлаб чиқилган ва жорий этилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Илмий-тадқиқот натижаларига ҳамда бирламчи ҳужжатларга Чорвачилик ва паррандачилик илмий-тадқиқот институти ва Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги илмий-ишлаб чиқариш маркази апробация комиссиялари томонидан ижобий баҳо берилгани, барча экспериментал маълумотлар математик-статистик таҳлилдан ўтказилгани ва фарқларнинг ишончлилиқ даражаси аниқлангани ҳамда олинган илмий натижалар ишлаб чиқаришга жорий этилгани билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти Польшадан келтирилган голштин зотли сигирларнинг I лактациясининг дастлабки 90 кунда серсут қилиш тадбирини қўллаш нафақат ушбу лактациясида, балки II ва III лактацияларида ҳам сут маҳсулдорлигини юқори даражада бўлишини таъминлаши, шунингдек сигирларнинг маҳсулдорлик хусусиятларини турли омилларга боғлиқликда такомиллаштиришдан иборат.

Тадқиқотнинг амалий аҳамияти четдан келтирилган голштин зотли сигирларнинг сут маҳсулдорлик хусусиятларини Қорақалпоғистон Республикаси шароитида серсут қилиш усулида яхшилашнинг усуллари ишлаб чиқилгани ва сермаҳсул сутбоп подалар яратишда ҳамда голштин зотининг ирсий салоҳиятини тўлиқ юзага чиқариш билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Голштин зотли сигирларнинг сут маҳсулдорлигини ва бошқа муҳим хусусиятларини турли омилларга боғлиқликда такомиллаштириш бўйича олиб борилган илмий-тадқиқот натижалари асосида:

сигирларнинг сут маҳсулдорлигини ошириш бўйича «Қорақалпоғистон шароитида четдан келтирилган голштин зотли сигирларнинг маҳсулдорлик хусусиятларини яхшилаш усуллари» тавсияномаси ишлаб чиқилган ва тасдиқланган (Қишлоқ хўжалик вазирлигининг 2018 йил 02 октябрдаги 02/026-267-сон маълумотномаси). Мазкур тавсиянома Қорақалпоғистон Республикаси иқлим шароитида чорвачилик-наслчилик фермер хўжаликларида қўлланма сифатида хизмат қилган;

голштин зотли сигирларнинг сут маҳсулдорлигини I лактациясининг дастлабки 90 кунда серсут қилиш ва сигирларни аванс тариқасида озиклантириш, фаол яйратиш, елинини уқалаш ҳамда сигирларга мақбул асраш шароитларини яратиш технологиялари Қорақалпоғистон Республикаси Амударё туманидаги «Амударё соҳили» наслчилик фермер хўжалигининг қорамолчилиқ подасида жорий этилган (Қишлоқ хўжалик вазирлигининг 2018 йил 02 октябрдаги 02/026-267-сон маълумотномаси). Натижада II гуруҳдаги I лактациясининг дастлабки 90 кунда серсут қилинган сигирларнинг сут миқдори I лактацияда 482,6 килограмм ва сут ёғи чиқими 9,6 килограммга ошишига эришилган;

сигирларни маҳсулдорлигини биринчи туғиш ёшида, сутдан чиққандан туққангача ва турли сервис-даври муддатларида ҳамда тирик вазнига боғлиқликда такомиллаштириш технологияси Қорақалпоғистон Республикасининг Эллиққалъа туманидаги «Ўрнак насл чорва» наслчилик

фермер хўжалигининг подасида жорий этилган (Қишлоқ хўжалик вазирлигининг 2018 йил 02 октябрдаги 02/026-267-сон маълумотномаси). Бунинг натижасида сут миқдори 482,6 кг, сут ёғи чиқими 9,6 кг, 4 фоизли сут миқдори 240,3 кг, II лактацияда бу кўрсаткичлар тегишли тарзда 537,3, 10,9 ва 253,1 кг, III лактацияда 1128 кг, 32,7 кг ва 817,7 кг ошган, олинган соф фойда I лактацияда 298632,8 сўмни ташкил этган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Диссертация тадқиқоти натижалари Чорвачилик ва паррандачилик илмий-тадқиқот институти ва ЎзҚХИИЧМда тузилган махсус комиссиялар томонидан апробациядан ўтказилган ва ижобий баҳоланган ҳамда 3 та Халқаро ва 1 та республика миқёсида ўтказилган илмий-амалий конференцияларда маъруза қилинган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича 10 та илмий мақола чоп этилган, шу жумладан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 6 та, шундан 1 та хорижий журналда чоп этилган.

Диссертациянинг ҳажми ва тузилиши. Диссертация таркиби кириш, тўртта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 120 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

КИРИШ қисмида диссертация ишининг долзарблиги ва зарурати асосланган, адабиётлар шарҳи ёритилган, тадқиқотларнинг материал ва услублари келтирилган, тадқиқотларнинг объекти ва предмети кўрсатилган, Республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги келтирилган, ишнинг мақсади ва вазифалари, тадқиқотларнинг илмий янгилиги ва амалий аҳамияти баён этилган, олинган натижаларнинг назарий ва амалий аҳамияти очиқ берилган, тадқиқот натижаларини ишлаб чиқаришга жорий этиш, чоп этиш натижалари ва диссертациянинг тузилиши ҳамда ҳажми келтирилган.

Диссертациянинг «**Сигирларнинг маҳсулдорлик хусусиятларининг турли омилларга боғлиқлиги**» деб номланган биринчи бобида сигирларнинг маҳсулдорлик хусусиятларининг озиқлантириш ва серсут қилиш омилларига боғлиқлиги, юқори маҳсулдор сутбоп подалар яратишда селекция-наслчилик ишининг, қорамол зотларини такомиллаштиришда голштин зотли буқалардан фойдаланишнинг аҳамияти, сигирлар сути маҳсулдорлигини ва сифат кўрсаткичларини оширишда, уларнинг пуштдорлик хусусиятларини яхшилаш омилларига оид адабиётлар таҳлил қилиб чиқилган. Ушбу йўналишда тадқиқотлар ўтказган кўплаб муаллифларнинг маълумотлари умумлаштирилиб, тегишли хулосалар қилинган.

Диссертациянинг «**Тадқиқотларни ўтказиш жойи, материал ва услублари**» деб номланган иккинчи бобида тадқиқотларни ўтказиш жойи, схемаси, тадқиқотларда қўлланилган усул ва услублар баён этилган.

Илмий тадқиқотлар 2010-2017 йиллар давомида Қорақалпоғистон Республикасининг Эллиққалъа туманидаги «Ўрнак насл чорва» наслчилик фермер хўжалигида Польшадан келтирилган турли лактациялардаги голштин зотли сигирларда ўтказилган. Голштин зотли сигирларни I лактациясининг дастлабки 90 кунда серсут қилишнинг ушбу лактация давомидаги I, II ва III лактациялардаги сут динамикасини, ҳар 100 кг тирик вазни ҳисобига сут маҳсулоти чиқимини, елин, пуштдорлик, экстерьер ва бошқа хусусиятларини ўрганиш усуллари келтирилган. Шунингдек четдан келтирилган сигирларнинг клиник, гематологик кўрсаткичларини ўрганишда қўлланилган усул ва услублар баён этилган.

Диссертациянинг «**Хусусий тадқиқотлар натижалари**» деб номланган учинчи бобида хусусий тадқиқотлар натижалари келтирилади. Тадқиқотларда Қорақалпоғистон шароитида Польшадан келтирилган сигирлар серсут қилинганда I лактацияда сут маҳсулдорлик даражаси, ҳар 100 кг тирик вазни ҳисобига сут маҳсулоти чиқими, экстерьер, озукани сут билан қоплаш, елин хусусиятларининг ўзгариши ва бошқа белгиларининг турли омилларга боғлиқликда ўрганиш натижалари келтирилган.

Тадқиқотларда сигирларни серсут қилиш даврида I лактациясининг дастлабки 90 кунда II гуруҳ сигирлари истъемол қилган озукаларда I гуруҳдаги тенгқурларига нисбатан 119,3 кг озуқа бирлиги, 2079,2 МДж алмашинувчи кувват, 216,4 кг қуруқ мадда, 22,78 кг ҳазмланувчи протеин кўп бўлди ва ушбу кўрсаткичлар I лактацияда тегишли равишда 368,0; 525,7; 453,8 ва 42,99 кг юқори бўлди.

I лактациянинг дастлабки 90 кунда I гуруҳ сигирлари 4,01% ёғлиликда 1662,3 кг, II-3,90 % ёғлиликда 1824,7 кг маҳсулдорликка эга бўлдилар.

Польшадан келтирилган голштин зотли сигирларни Қорақалпоғистон шароитида I лактациясининг дастлабки 90 кунда серсут қилиш уларнинг сут миқдорини I, II, III лактацияларда тегишли равишда 482,6; 537,3 ва 1128 кг-га ошириш имконини берди.

Диссертациянинг «**Тажриба подасидаги голштин зотли сигирларнинг сут маҳсулдорлигининг турли омилларга боғлиқлиги**» деб номланган тўртинчи бобида голштин зотли сигирларнинг лактациялар бўйича сут маҳсулдорлигининг динамикаси, селекция гуруҳидаги сигирларнинг сут маҳсулдорлиги, уларнинг биринчи туғишидаги ёшига, сутдан чиққандан туғишгача турли муддатларга, сервис-даври давомийлигига, тирик вазнига боғлиқликда маҳсулдорлик хусусиятлари ўрганилган ҳамда ушбу омилларга боғлиқ равишда сигирларнинг сут маҳсулдорлигини ошириш усуллари ишлаб чиқилган ва илмий асосланган.

Сигирларнинг сут маҳсулдорлиги уларнинг насл қийматини баҳолашда асосий кўрсаткич бўлиб ҳисобланади.

I-жадвалда тажриба гуруҳларидаги сигирларнинг I лактацияси давомидаги сут маҳсулдорлиги келтирилади.


**Тажриба гуруҳларидаги сигирларнинг I лактацияси мобайнидаги
сут маҳсулдорлиги кўрсаткичлари**

Кўрсаткичлар	Гуруҳлар			
	I		II	
	$\bar{X} \pm S_{\bar{x}}$	Cv,%	$\bar{X} \pm S_{\bar{x}}$	Cv,%
Сут миқдори, кг	4616,3±5,03	3,80	5098,9±46,0	3,38
Сут таркибидаги ёғ, %	4,21±0,038	3,40	4,00±0,045	4,22
Сут ёғи чиқими, кг	194,3±4,4	8,43	203,9±1,06	1,95
Сут таркибидаги оқсил, %	3,72±0,023	2,28	3,59±0,03	3,13
Сут оқсили чиқими, кг	171,7±4,61	10,1	183,6±0,94	1,92
4%-ли сут миқдори, кг	4858,6±109,0	8,43	5098,9±26,8	1,95
Қуруқ модда, %	12,78	-	12,52	-
Ёғсизлантирилган қуруқ сут қолдиғи, %	8,72	-	8,68	-
Сут қанди, %	4,53	-	4,51	-

1-жадвал маълумотларининг кўрсатишича, сигирларни серсут қилиш уларнинг I лактацияси давомида сут маҳсулдорлигини сезиларли даражада ошириш имкониятини яратди. Жумладан, II гуруҳ сигирларнинг бу даврда сут миқдори I гуруҳдаги тенгқурлариникидан 482,6 кг ёки 10,45 % ($P>0,999$), сут ёғи чиқими 9,6 кг ёки 4,94 % ($P>0,95$), сут оқсили чиқими 11,9 кг ёки 6,93% ($P>0,99$), 4 %-ли сут миқдори 240,3 кг ёки 4,94 % ($P>0,95$) юқори бўлди. Сут таркибидаги қуруқ модда, ёғсизлантирилган қуруқ сут қолдиғи ва сут қанди ўртасида сезиларли гуруҳлараро фарқ кузатилмади, бу кўрсаткичлар меъёр талаблари даражасида бўлди ва улар сигирлар сүтининг тўйимлилиқ қиймати яхши даражада бўлганлигидан далолат беради.

Тадқиқотларда I гуруҳ сигирларининг тирик вазни 494,4 кг, II гуруҳда 506,7 кг, яъни 12,3 кг юқори, сүтдорлик коэффициентлари тегишли тарзда 933,7 ва 1006,3 кг, у II гуруҳда 72,6 кг ($P>0,999$) юқори, ҳар 100 кг тирик вазни ҳисобига ишлаб чиқарилган 4%-ли сут 982,2 кг ва 1006,3 кг, яъни II гуруҳда 24,1 кг юқори бўлганлиги аниқланди.

Сигирларнинг сут маҳсулдорлиги улар лактациясининг кечиш хусусиятларига ҳам боғлиқдир. Одатда соғин даври биртекис кечган сигирлар яхши даражадаги сут маҳсулдорлиги билан тавсифланадилар. 1-расмда тажриба гуруҳларидаги сигирларнинг I лактацияси давомида ойлик сут миқдори келтирилади.



1-расм. Сигирлар лактацияси давомида ойлик сут миқдорининг ўзгариш динамикаси

Чет элдан келтирилган сигирлар серсут қилиш жараёнида юқори ойлик сут миқдорини I лактациясиниг дастлабки 90 кунда намоён этганлигини кўрсатди. Лекин ҳар иккала гуруҳда ҳам сигирларнинг лактацияси давомида ойлик сут миқдори ойлар давомида аста-секинлик билан пасайиб борганлиги ва уларда соғин даври биртекис кечганлиги кузатилди.

Сигирлардан сутбоп подаларда фойдаланиш самарадорлигини баҳолашда уларни озукани сут билан қоплаш хусусиятлари муҳим аҳамиятга эга. 2-жадвалда тажриба гуруҳларидаги сигирларнинг озукани сут билан қоплаш кўрсаткичлари келтирилади.

2-жадвал

Сигирларнинг I лактацияда озукани сут билан қоплаш кўрсаткичлари

Кўрсаткичлар	Гуруҳлар	
	I	II
Лактация давомида ҳар 1 сигирга сарфланган озукани сут бирлиги, кг	4908,1	5276,1
Сут миқдори, кг	4616,3	5098,9
4 %-ли сут миқдори, кг	4858,6	5098,9
1 кг табиий ёғлиликда сут ишлаб чиқариш учун сарфланган озукани сут бирлиги, кг	1,06	1,03
1 кг 4 %-ли сут ишлаб чиқаришга сарфланган озукани сут бирлиги, кг	1,01	1,03
Ҳар 100 кг озукани сут бирлигига ишлаб чиқарилди: табиий ёғлиликдаги сут, кг	94,05	96,64
4%-ли сут, кг	98,99	96,64

2-жадвалнинг кўрсатишича, сигирларнинг озукани сут билан қоплаш даражаси уларнинг сут маҳсулдорлиги билан узвий боғлиқдир. II гуруҳ

сигирларида 1 кг табиий ёғлиликдаги сут ишлаб чиқариш учун сарфланган озуқа бирлиги I гуруҳга нисбатан 2,9% кам бўлди ва улар ҳар 100 кг тирик вазни ҳисобига 2,59 кг (2,75%) табиий ёғлиликдаги сут кўп ишлаб чиқардилар. Бу эса уларда озукани сут билан қоплаш даражаси юқори бўлганлигидан далолат беради.

Четдан янги урчитиш шароитига келтирилган сигирларнинг лактациялари давомида сут маҳсулдорлигининг динамикасини ўрганиш уларнинг янги шароитларга мослашиш даражасини баҳолашда муҳим аҳамият касб этади. Шу нуқтаи назардан биз тажриба гуруҳларидаги сигирларнинг II лактациядаги сут маҳсулдорлигини ўргандик (3-жадвал).

3-жадвал

**Тажриба гуруҳларидаги голштин зотли сигирларнинг
II лактацияда сут маҳсулдорлиги**

Кўрсаткичлар	Гуруҳлар			
	I		II	
	$\bar{X} \pm S_{\bar{x}}$	Cv, %	$\bar{X} \pm S_{\bar{x}}$	Cv, %
Бош сони	15		15	
Лактациянинг 305 кунни мобайнидаги сут миқдори, кг	5235,5±156,1	23,7	5772,8±69,2	4,10
Сутдаги ёғ, %	4,14±0,03	3,49	3,93±0,04	3,73
Сутдаги оқсил, %	3,66±0,04	4,70	3,50±0,03	3,78
Сут ёғи чиқими, кг	216,7±4,84	8,39	226,9±4,73	2,82
Сут оқсили чиқими, кг	191,1±4,12	8,43	202,0±9,37	6,84
4%-ли сут миқдори, кг	5418,7±122,4	8,50	5671,8±61,3	4,03
Сутдорлик коэффиценти, кг	978,7±21,9	8,41	1059,1±4,88	1,71
Тирик вазни, кг	534,9±5,56	3,89	545,1±4,29	2,98

Жадвал маълумотларининг кўрсатишича, I лактацияда серсут қилинган II гуруҳ сигирларида сут маҳсулдорлиги бўйича II лактацияда ҳам устунлик сақланиб қолди. II гуруҳ сигирларининг II лактацияда I гуруҳдаги сигирларникидан сут миқдори 537,3 кг ($P>0,99$), сут ёғи чиқими 10,9 кг (4,71%), сут оқсили чиқими 10,9 кг (5,70%), 4%-ли сут миқдори 253,1 кг (4,67%), сутдорлик коэффиценти 81,3 кг ($P>0,999$) ва тирик вазни 10,2 кг (1,91%) I гуруҳ сигирлариникидан юқори бўлди.

I лактацияга нисбатан I гуруҳ сигирларининг II лактацияда сут миқдори 619,2 кг ($P>0,999$), II гуруҳда бу кўрсаткич 682,9 кг ($P>0,999$), сут ёғи чиқими тегишли равишда 45,0 кг ($P>0,999$) ва 43,3 кг ($P>0,999$), 4%-ли сут миқдори 560,1 кг ($P>0,999$) ва 572,9 кг ($P>0,999$), сутдорлик коэффиценти 45,0 ва 52,3 кг ($P>0,999$) юқори ўсиш кўрсаткичларига эга бўлди.

Биз тажриба гуруҳларидаги сигирларнинг III лактациясида ҳам сут маҳсулдорлигини ўргандик (4-жадвал).


Тажриба гуруҳларидаги сигирларнинг III лактациясидаги сут маҳсулдорлиги

Кўрсаткичлар	Гуруҳлар			
	I		II	
	$\bar{X} \pm S_{\bar{x}}$	Cv, %	$\bar{X} \pm S_{\bar{x}}$	Cv, %
Бош сони	15		15	
Сут миқдори, кг	5578,7±168,3	11,3	6226,9±50,3	3,05
Сутдаги ёғ, %	4,07±0,036	3,34	3,91±0,042	4,00
Сутдаги оқсил, %	3,60±0,036	3,74	3,46±0,030	3,08
Сут ёғи чиқими, кг	227,0±5,28	8,67	243,5±2,33	3,67
Сут оқсили чиқими, кг	200,8±4,58	8,54	215,4±1,94	3,37
4%-ли сут миқдори, кг	5676,3±121,5	8,30	6086,8±59,6	3,67
Сутдорлик коэффиценти, кг	988,1±21,9	8,37	1086,0±4,16	1,45
Тирик вазни, кг	564,6±6,34	4,20	578,9±5,04	3,25

Жадвал маълумотларининг таҳлилининг кўрсатишича, II гуруҳ сигирларининг III лактацияда сут миқдори I лактацияга нисбатан 962,4 кг ($P>0,999$), II гуруҳда 1128 кг ($P>0,999$), сут ёғи чиқими тегишли тарзда 32,7 ($P>0,999$) ва 39,6 кг ($P>0,999$), сут оқсили чиқими 29,1 ($P>0,999$) ва 31,8 кг ($P>0,999$), 4%-ли сут миқдори 817,7 ($P>0,999$) ва 987,9 кг ($P>0,999$), сутдорлик коэффиценти 54,4 ва 79,7 кг ($P>0,999$) юқори ўсишга эга бўлди.

Бизнинг тадқиқотларимизда II гуруҳ сигирларининг I лактацияга нисбатан ўсиш динамикасини 2-расмдан ҳам кўриш мумкин.

Голштин зотли Польшадан келтирилган сигирлар Қорақалпоғистоннинг ўзига хос иқлим шароитида сутининг ҳам юқори даражадаги сифат кўрсаткичларига эга бўлдилар. Бу уларнинг сут маҳсулдорлиги бўйича юқори ирсий салоҳиятидан ва маҳаллий шароитга яхши мослашганлигидан далолат беради.



2-расм. Тажриба гуруҳларидаги сигирларнинг III лактациясида I лактацияга нисбатан сут миқдорининг динамикаси

Тадқиқотларимиз давомида биз сермахсул голштин зотли сигирларнинг селекция гуруҳларини шакллантирдик. Натижада ирсий салоҳияти юқори сигирларнинг «насл ўзаги» ва «буқа етиштирувчи гуруҳи» шаклланди, уларнинг сут маҳсулдорлиги 5-жадвалда келтирилади.

5-жадвал

Селекция гуруҳларидаги сигирларнинг сут маҳсулдорлиги ва тирик вазни

Кўрсаткичлар	Селекция гуруҳлари			
	«насл ўзаги»		«буқа етиштирувчи гуруҳ»	
	$\bar{X} \pm S_{\bar{x}}$	Cv, %	$\bar{X} \pm S_{\bar{x}}$	Cv, %
Бош сони	83		5	
Лактациядаги сут миқдори, кг	5962,8±57,5	8,77	6858,0±45,7	1,33
Сут таркибидаги ёғ, %	3,98±0,020	4,42	4,10±0,068	3,53
Сут ёғи чиқими, кг	237,3±5,01	6,1	281,0±7,61	5,94
4%-ли сут миқдори, кг	5932,1±71,4	7,0	6675,6±129,2	3,87
Сут оксили, %	3,45±0,019	4,58	3,45±0,040	4,00
Сут оксили чиқими, кг	205,7±4,66	7,2	237,3±5,10	7,6
Сутдорлик коэффиценти, кг	1030,9±6,8	8,1	1159,2±12,4	5,2
Тирик вазни, кг	578,4±3,92	6,17	591,6±7,41	4,33

Жадвалдан кўринишича, «буқа етиштирувчи гуруҳ»даги сигирларнинг сут миқдори «насл ўзаги»даги сигирларникидан 895,2 кг (15,0%) ($P>0,999$), сут ёғи чиқими 43,7 кг ($P>0,999$), сут оксили чиқими 31,6 кг ($P>0,999$), сутдорлик коэффиценти 128,3 кг ($P>0,999$), тирик вазни 13,2 кг (2,28%) юқори бўлганлиги аниқланди. Бу маълумотлар келгусида юқори насл қийматига эга подани тўлдирувчи бузоқлар олиш учун юқори маҳсулдорлик имкониятларига эга сигирлар гуруҳлари яратилганлигини кўрсатади.

Сигирларнинг биринчи туғишидаги ёши сутбоп подаларни насл қиймати юқори ёш бузоқлар билан тўлдиришда ва уларнинг сут маҳсулдорлигини оширишда катта аҳамиятга эга. Шунинг учун ҳисобга олиб биз тажриба подасидаги голштин зотли сигирларнинг I лактациядаги сут маҳсулдорлигини биринчи туғишидаги ёшига боғлиқликда ўргандик. Тадқиқотларда олинган натижаларимиз 6-жадвалда ўз аксини топган.

Жадвал маълумотларидан кўринишича, биринчи марта 701-730 кун ва 731-760 кунда туққан сигирларнинг I лактациядаги сут миқдори, сут ёғи чиқими, 4%-ли сут миқдори ўртасида сезиларли фарқ кузатилмайди, аммо биринчи марта 700 кунгача (ўртгача 23,3 ойгача) муддатда туққан сигирларнинг сут миқдори келтирилган муддатларда туққан сигирларникидан тегишлича 359,8-334 кг, сут ёғи чиқими 10,6-10,4 кг, 4%-ли сут 325,4-261,6 кг юқори бўлди. Бу маълумотлар четдан келтирилган голштин зотли сигирлар Қорақалпоғистон шароитида 2 ёшгача муддатда

биринчи марта туққанда сут маҳсулдорлигини камайтирмасдан, аксинча уни юқори даражада юзага чиқарганлигидан далолат беради.

Тадқиқотларимизда биринчи марта 791-820 кунгача (ўртача 27,3 ойгача) муддатда туққан сигирларнинг I лактациядаги сут миқдори 701-790 кунгача, 821 кун ва ундан кейин туққан сигирларникидан 189,9-469,9 кг, сут ёғи чиқими 3,0-9,6 кг, 4%-ли сут 73,0-237,9 кг юқори бўлганлиги аниқланди.

6-жадвал

Сигирларнинг биринчи туғишидаги ёшига боғлиқликда

I лактациядаги сут маҳсулдорлиги ($\bar{X} \pm S_{\bar{x}}$)

Биринчи туғишдаги ёши, кунлар	Бош сони	Сут миқдори, кг	Сутдаги ёғ, %	Сут ёғи чиқими, кг	4%-ли сут миқдори, кг
700 кунгача	15	4993,6±92,9	4,11±0,06	205,2±5,0	5130,9±80,2
701-730	11	4633,8±127,6	4,20±0,10	194,6±4,7	4865,5±95,1
731-760	22	4659,6±108,1	4,18±0,04	194,8±4,5	4869,3±90,6
761-790	24	4752,4±105,5	4,14±0,03	196,7±5,1	4918,7±84,1
791-820	8	4942,3±134,4	4,04±0,08	199,7±6,0	4991,7±101,0
821 кун ва ундан юқори	5	4474,2±222,9	4,25±0,09	190,1±4,8	4753,8±104,5

Жадвалдан кўринишича, голштин зотли сигирлар биринчи марта 2 ёшгача муддатда туққанда улар I лактацияда юқори сут маҳсулдорлигини юзага чиқардилар. Бу маълумотлар сигирларни асосий подага эрта ёшда киритиш бўйича селекция-наслчилик ишларини олиб бориш муҳимлигидан далолат беради.

Юқори маҳсулдор подалар яратишда сигирларнинг сутдан чиққандан туққангача бўлган муддати муҳим аҳамиятга эга. Лактациядан кейин сигирларнинг кейинги лактациясигача организмнинг дам олиши, тўйимли моддалар захирасини яратиши ва лактацияга тайёрланишида сутдан чиққандан туғишгача муддати муҳим ўринга эга ва уларни кейинги лактацияга яхши тайёрланиш ва маҳсулдорлигини ошириш имкониятини беради. Биз тажриба подасидаги сигирларда бу давр муддатлари билан уларнинг энг юқори лактациялардаги сут маҳсулдорлик кўрсаткичлари ўртасидаги ўзаро боғлиқликни ўргандик (7-жадвал).

Тадқиқотларимизда 60 кунгача ва 61-65 кун оралиғида сутдан чиққандан туққангача турли муддатга эга сигирларнинг сут маҳсулдорлиги ўртасида деярли фарқ кузатилмади ва уларнинг энг юқори лактацияда сут миқдори 66-70 кун оралиғида бу муддатга эга сигирларникидан 82,7-89,8 кг, сут ёғи чиқими 3,4-7,8 кг, 4%-ли сут 96,2-206,7 кг, тирик вазни 13,2-10,6 кг юқори бўлди.

Бу гуруҳлардаги сигирларнинг сутдорлик коэффициенти юқори бўлиб, улар сут типига мансуб бўлганлигини кўрсатди.

7-жадвал

Сигирларнинг энг юқори лактациясида сут маҳсулдорлиги ва тирик вазнининг сутдан чиққандан тукқангача бўлган даврига боғлиқлиги ($\bar{X} \pm S\bar{x}$)

Кўрсаткичлар	Сутдан чиққандан тукқангача давр, кунлар		
	60 кунгача	61-65	66-70
Бош сони	42	31	11
Сут миқдори, кг	5918,6±106,3	5925,7±103,1	5835,9±196,4
Сутдаги ёғ,%	3,94±0,03	4,01±0,04	3,93±0,05
Сут ёғи чиқими, кг	233,2±4,95	237,6±5,11	229,3±4,79
4%-ли сут миқдори, кг	5830,0±90,7	5940,5±88,7	5733,8±6,11
Сутдорлик коэффициенти	1021,1±8,1	1026,9±9,10	1030,3±7,95
Тирик вазни, кг	579,6±5,57	577,0±6,82	566,4±8,96

Сут ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишда сутбоп подаларда сигирлар тукқандан кейин мақбул муддатларда уларни сунъий уруғлантириш муҳим амалий аҳамият касб этади, чунки мақбул сервис-даври муддатларига эга сигирлардан 1 йилда 1 бошдан бузоқ олиш имкониятини тўғдиради, бу ўз навбатида сут ва гўшт ишлаб чиқариш имкониятларини кенгайтиради. Биз тажриба подасидаги сигирларнинг энг юқори лактациясида сут маҳсулдорлигини сервис-даврига боғлиқликда ўргандик

Тадқиқотларимизда голштин зотли сигирлар энг юқори лактациясида юқори сут маҳсулдорлигини 81-90 кун сервис-даврига эга бўлганда юзага чиқардилар. Бу муддатга эга сигирларнинг сут миқдори 60 кунгача сервис-даврига эга сигирларникидан 1022,9 кг, 61-70 кун сервис-даврига эга сигирларникидан 169,2 кг, 71-80 кун сервис-давридагилардан 179,7 кг, 91-100 кунлик бу даврдагилардан 229,9 кг юқори бўлганлиги аниқланди.

Умуман олганда, тадқиқотларимизда сервис-даври муддатларидан қатъий назар, барча гуруҳлардаги сигирлар юқори сут маҳсулдорлик кўрсаткичларини юзага чиқардилар ва барча кўрсаткичлар бўйича кескин фарқ кузатилмади. Бу маълумотлар Европадан келтирилган сигирлар бизнинг кескин иқлим шароитимизда яхши даражада пуштдорлик кўрсаткичларини юзага чиқарганликларидан далолат беради.

Юқори маҳсулдор сутбоп подалар яратишда сигирларнинг тирик вазни катта аҳамиятга эга. Мақбул юқори тирик вазн ҳар бир подада сигирларнинг сермаҳсул подасини яратишда муҳим кўрсаткич ҳисобланади.

Етук ёшли сигирларда сут маҳсулдорлиги тирик вазнига боғлиқликда ўрганилди (8-жадвал).

Тажриба подасида III ва ундан юқори лактациялардаги голштин зотли сигирларнинг тирик вазнига боғлиқликда маҳсулдорлик кўрсаткичлари

Тирик вазни, кг	Бош сони	Сут миқдори, кг	Сутдаги ёғ, %	Сут ёғи чиқими, кг	4%-ли сут, кг	Тирик вазни, кг
530 кг -ча	7	5724,7±204,2	4,33±0,08	247,9±4,1	6196,9±90,2	514,3±5,1
531-550	7	5713,6±194,6	4,09±0,09	233,7±3,3	5842,1±66,3	543,3±2,7
551-570	11	5505,1±164	3,98±0,06	219,1±4,8	5477,6±101	563,2±1,7
571-590	24	5905,2±90,9	4,02±0,03	237,4±5,1	5934,7±85,3	580,9±1,1
591-610	12	6160,6±133,5	3,98±0,07	245,2±5,0	6129,8±110,1	601,4±1,6
611-630	12	6487,6±112,9	3,82±0,03	247,8±4,3	6195,6±90,1	622,3±2,0
631кг ва ундан юқори	3	6783,3±82,9	3,86±0,16	261,8±3,5	6546,5±74,5	639,3±3,6

Энг юқори сут маҳсулдорлигига 611-630 кг ҳамда 631 кг ва ундан юқори тирик вазнга эга сигирлар эришдилар, бу вазнли сигирларнинг сут миқдори 530 кг-ча, 531-550 кг, 551-570 кг ва 571-590 кг тирик вазнли сигирларникидан тегишли равишда 714 кг-дан 982,5 кг-га ($P>0,999$) юқори бўлди, 631 кг ва ундан юқори тирик вазнли сигирларда мазкур кўрсаткичлар бўйича сут миқдорида устунлик тегишлича 1058,6-1278,2 кг-ни ($P>0,999$) ташкил этди. Шунингдек 631 кг ва ундан юқори тирик вазнли сигирларда сут ёғи чиқими, 4%-ли сут миқдори, тирик вазни кўрсаткичлари ҳам юқори бўлганлиги қайд қилинди.

ХУЛОСАЛАР

1. Польшадан келтирилган голштин зотли сигирларни Қорақалпоғистон шароитида I лактациясининг дастлабки 90 кунда серсут қилиш уларнинг сут миқдорини I, II, III лактацияларда тегишли равишда 482,6; 537,3 ва 1128 кг-га, сут ёғи чиқимини 9,6; 10,9 ва 32,7 кг-га, 4%-ли сут миқдорини 112,6; 253,1 ва 817,7 кг-га ошириш имконини берди.

2. Тажриба гуруҳидаги сигирлар мутаносиб ривожланган экстерьерга, бўйига ва энига яхши ривожланган тана ўлчамларига, кенг ривожланган кўкрак қафасига ва маҳсулдорлик йўналиши бўйича сут типига эга бўлди.

3. Голштин зотли сигирлар озукани юқори даражада сут маҳсулоти билан қоплаш хусусиятларига эга бўлдилар, бу улардан сутбоп подада сут ишлаб чиқаришда фойдаланиш самарали эканлигидан далолат беради.

4. Тажриба гуруҳларидаги сигирларнинг клиник ва гематологик кўрсаткичлари йил фаслларида қатъий назар, физиологик меъёр даражасида бўлди. Олинган маълумотлар сигирлар Қорақалпоғистоннинг ўзига ҳос иқлим шароитига яхши мослашганлигини кўрсатади.

5. Тажриба гуруҳларида чет элдан келтирилган голштин зотли сигирларнинг сут маҳсулдорлиги лактациялари кесимида юқори ўсиш динамикасига эга бўлди. Уларнинг сут миқдори II лактацияда I лактацияга нисбатан I гуруҳда 619,2 кг (13,4%), II гуруҳда 673,8 кг (13,2%), III лактацияда тегишли тарзда 962,4 (20,8%) ва 1128,0 кг (22,1%) кўпайганлиги аниқланди.

6. Тажриба хўжалиги подасида четдан келтирилган сигирлар III ва ундан юқори лактацияларда 5955,5 кг сут маҳсулдорлигига эга бўлиб, I лактацияга нисбатан уларнинг бу кўрсаткичи 1197,8 кг-га (25,2%), сут ёғи чиқими 38,5 кг-га (19,4%), сутдорлик коэффициенти 80,4 кг-га (8,21%) ошганлиги аниқланди. Бу маълумотлар сигирлар сут маҳсулдорлиги бўйича ирсий салоҳиятини янги урчиштириш шароитида яхши даражада юзага чиқарганлигидан далolat беради.

7. Тажриба подасидаги барча лактациялардаги голштин зотли сигирлар сут маҳсулдорлиги бўйича юқори ирсий салоҳиятга эга ва улардан насл қиймати юқори авлодлар олиш мақсадида селекция гуруҳлари яратилди. Яратилган «насл ўзаги» гуруҳидаги сигирлар 3,98 % ёғлиликда 5962,8 кг, «буқа етиштирувчи гуруҳ» 4,10% ёғлиликда 6858,0 кг сут маҳсулдорлигига эга бўлди ва улар насли ёш бузоқлар етиштиришда репродуктор пода бўлиб ҳисобланади.

8. Голштин зотли сигирлар биринчи марта 2 ёшгача муддатда туғиши сут маҳсулдорлигига салбий таъсир кўрсатмайди. Биринчи марта 700 кунгача муддатда туққан сигирларнинг I лактациядаги сут миқдори 701-730 ва 731-760 кун оралиғида туққан сигирларниқидан тегишлича 359,8 ва 334 кг, сут ёғи чиқими 10,6 ва 10,4 кг, 4%-ли сут миқдори 325,4 ва 261,6 кг юқори бўлганлиги аниқланди.

9. Польшадан келтирилган голштин зотли сигирларнинг сутдан чиққандан туғишгача даврининг мақбул муддати Қорақалпоғистон шароитида 65 кунгача бўлган муддат ҳисобланади. Бундай муддатга эга сигирларнинг сут миқдори, сутининг ёғ чиқими, 4%-ли сут 66-70 кун муддатга эга сигирларниқидан юқори бўлди.

10. Голштин зотли сигирларнинг сут маҳсулдорлиги узвий равишда сервис-даврига боғлиқдир. Энг юқори сут маҳсулдорлигини 81-90 кун сервис-даври муддатларига эга сигирлар юзага чиқардилар. Уларнинг энг юқори лактациядаги сут миқдори 60 кунгача, 61-70, 71-80, 91-100 кун сервис-даврига эга сигирларниқидан 169,2-1022,9 кг-га (2,9-20,3%) юқори кўрсаткичларга эга бўлди.

11. Голштин зотли сигирларнинг сут маҳсулдорлиги турли лактацияларда узвий равишда тирик вазни билан боғлиқ. I лактацияда сигирларнинг тирик вазнининг ошиб бориши сут маҳсулдорлигининг

ошишини ҳам таъминлади. 541 кг ва ундан юқори тирик вазнга эга сугирларнинг сут миқдори бошқа тирик вазнли I лактациядаги сугирларникидан 441,8-1142,4 кг-га (8,7-26,2%) юқори бўлди. Шунга ўхшаш натижалар III ва ундан юқори лактацияларда ҳам олинди. 631 кг ва ундан юқори тирик вазнли сугирларнинг сут миқдори бошқа тирик вазнга эга тенгқурлариникидан 295,7-1278,1 кг (4,56-23,22%) юқори бўлди.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc. 30.08.2018.Qx.13.02 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ
УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ ТАШКЕНТСКОМ ГОСУДАРСТВЕННОМ
АГРАРНОМ УНИВЕРСИТЕТЕ**

**НАУЧНО-ИССЛЕДОВАТЕЛЬСКИЙ ИНСТИТУТ
ЖИВОТНОВОДСТВА И ПТИЦЕВОДСТВА**

ИБАДУЛЛАЕВА АМИНА САҒЫНБАЕВНА

**ПРОДУКТИВНЫЕ, ВОСПРОИЗВОДИТЕЛЬНЫЕ КАЧЕСТВА
ИМПОРТНЫХ КОРОВ ГОЛШТИНСКОЙ ПОРОДЫ И МЕТОДЫ ИХ
УЛУЧШЕНИЯ В УСЛОВИЯХ КАРАКАЛПАКСТАНА**

**06.02.03 – Частная зоотехния. Технология производства продуктов
животноводства**

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD)
ПО СЕЛЬСКОХОЗЯЙСТВЕННЫМ НАУКАМ**

Ташкент - 2018

Тема диссертации доктора философии (PhD) по сельскохозяйственным наукам зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за номером B2018.2.PhD/Qx316.

Диссертация выполнена в научно-исследовательский институт животноводства и птицеводства.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекский, русский и английский (резюме)) размещён на веб-странице по адресу (www.agrar.uz) и в информационно-образовательном портале «ZiyoNet» по адресу www.ziyo.net.uz.

Научный руководитель:

Аширов Муродилла Ишанкулович,
доктор сельскохозяйственных наук,
профессор

Официальные оппоненты:

Шакиров Кахрамон Жўрабоевич,
доктор сельскохозяйственных наук
Жумадуллаев Бурхон Хамидович,
кандидат сельскохозяйственных наук

Ведущая организация:

**Научно-исследовательский
институт шелководства**

Защита диссертации состоится «__» _____ 2018 года в __ часов на заседании Научного совета DSc.30.08.2018.Qx.13.02 при Ташкентском государственном аграрном университете. (Адрес: 100140, Ташкент, ул. Университетская, дом 2. Тел.: (99871) 260-48-00; факс: (99871) 260-48-00; e-mail: tuag-info@edu.uz Актовый зал, 2-этаж, Административное здание Ташкентского государственного аграрного университета).з

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Ташкентского государственного аграрного университета (зарегистрировано за № _____). Адрес: 100140, Ташкент, ул. Университетская, дом 2. Центральное здание 1-этаж Информационно-Ресурсного Центра ТГАУ. Тел.:(99871) 260-50-43.

Автореферат диссертации разослан «__» _____ 2018 года.

(Реестр протокола рассылки №б от «__» _____ 2018 года)

Ш.Р.Умаров

Председатель Научного совета по
присуждению учёной степени, д.с.-х.н.

У.Т.Данияров

Учёный секретарь Научного совета по
присуждению учёной степени, к.с.-х.н.,
доцент

Н.Р.Рўзибоев

Председатель Научного семинара при
Научном совете по присуждению учёной
степени, и.о. д.с.-х.н.

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора (PhD) философии)

Актуальность и востребованность темы диссертационной работы. На сегодняшний день одной из важных задач во всех странах всех континентов мира является обеспечение их населения продовольственной продукцией. Потребность в них из года в год увеличивается, а это в свою очередь вызывает необходимость развития животноводства, повышения продуктивности животных. В этой связи в таких странах с «...развитым животноводством, как США, Канада, Германия, Голландия, Япония, Израиль, Евросоюза в результате широкого использования инновационных технологий от одной коровы в год надаивается по 10-12 тысяч кг и более молока»¹.

